

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

М. УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗМУ

ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

“КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ” КАФЕДРАСИ

**“ҲОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР (ДАВЛАТ) КОНСТИТУЦИЯВИЙ
ҲУҚУҚИ” ФАНИ БЎЙИЧА**

ТЕСТЛАР ТЎПЛАМИ

Тошкент 2010

“Конституциявий ҳуқуқ” кафедраси
“Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқ” фанидан тест саволлари
Тугалланган,

Тест топшириқлари рўйхати (101 та ўзбек)

1. Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи мустақил ҳуқуқ ҳамда миллий ҳуқуқнинг автоном, (алоҳид соҳаси сифатида қачон юзага келган?

XVIII-XIX асрларда

XVII-XIX асрларда

XVIII-XX асрларда

XVII-XVIII асрларда

2. Компаративистлар кимлар?

Қиёслаш услуби мутахассислари

Конституциявий ҳуқуқ фанининг мазмуни тушунтириб берувчи мутахассислар

Хорижий мамлакатлар давлат тузилишини ўрганувчи мутахассис

Социалистик назария тарафдорлари

3 Конституциявий ҳуқуқ тизимининг асосий элементларига қуйидагилардан қайси бири кирмайди?

Конституциявий ҳуқуқ субъектлари

Конституциявий ҳуқуқ институтлари

Конституциявий ҳуқуқ нормалари

Конституциявий ҳуқуқ тамойиллари

4.Латинча "decretum" атамаси қандай маънони англатади?

Қарор

Қонун

Фармон

Хулоса

5. Ҳозирги Францияда декрет ким томонидан чиқарилади?

Президент, Бош вазир

Парламент

Суд

Вазирлар

6. Ҳозирда суд прецеденти ҳуқуқ манбаи сифатида қайси давлатларда қўлланилади?

АҚШ, Англия, Канада, Австралия,

Германия, Австрия

Ўзбекистон, Украина, Канада, Англия

Ўзбекистон, Украина

7. Фақатгина конституциявий одатга асосан қайси давлатларда Вазирлар Маҳкамаси мавжуд?

АҚШ, Ҳиндистонда

Украинада

Ўзбекистонда

Хитой, Японияда

8. Қайси давлатнинг Асосий Қонунида конструктив вотум назарда тутилган?

ГФР

Испания

Япония

Франция

9. Қуйида берилган қайси давлатнинг конституцияси ёзма шаклдаги конституцияларга мисол бўла олади?

Мексика

Янги Зелландия

Исроил

Нидерландия

10. Қуйида берилган қайси давлатнинг конституцияси ёзилмаган шаклдаги конституцияларга мисол бўла олади?

Исроил

Франция

Италия

Испания

11. Конституциянинг иловалар қисмида нималар кўрсатилмайди?

Муқаддима

Актлар

Конвенциялар

Манба сифатида фойдаланилган ҳужжатлар

12. Қуйидаги қайси давлатда Конституция махсус таъсис этилган давлат органи томонидан ишлаб чиқилади ва қабул қилинади?

Хитой

Исроил

Италия

Испания

13. Қуйидаги қайси давлатда Конституция референдум йўли билан бевосита халқ томонидан қабул қилинади?

Франция

Исроил

Италия

Испания

14. Қайси давлатда конституциявий назоратни амалга оширувчи Конституциявий Кенгаш фаолият юритади?

Франция

Исроил

Италия

Испания

15. Қуйидаги қайси мамлакатда конституциявий назорат фақат Олий суд томонидан амалга оширилади?

АҚШ, Гана, Шри-Ланка

Германия

Австрия, Украина

Италия, Хорватия

16. Қуйидаги қайси мамлакатда конституциявий контрол (назорат) ни амалга ошириш конституциявий судга юклатилган?

Италия

Франция

Исроил

Испания

17. Қуйидаги қайси давлатда конституциявий Кенгашлар тузилади?

Қозоғистон, Марокаш, Сенегал

Италия, Германия

Испания, Австрия

Ўзбекистон, Украина

18. Францияда конституциявий назорат кенгашининг нечта аъзоси мавжуд?

9 та

12 та

11 та

13 та

19. Лотин америкаси давлатларида қандай тартибда фуқароликка кириш кенг тарқалган.

Тупроқ ҳуқуқи

Қон ҳуқуқи

Хаво ҳуқуқи

Оила ҳуқуқи

20. Фуқароликни давлат ҳудудининг ўзгариши билан танлаш – бу?

“Оптация”

“Натурализация”

“Репатриация”

“Реинтрация”

21. Замонавий демократик давлат учун қуйидаги функциялардан қайси бири хос эмас?

Диний функция

Иқтисодий функция

Мафкуравий функция

Сиёсий функция

22. Давлат типлари берилган қаторни топинг?

Демократик давлат, ҳуқуқий давлат, дунёвий давлат

Демократик давлат, сиёсий давлат, унитар давлат

Ижтимоий давлат, унитар давлат, республика

Унитар давлат, ҳуқуқий давлат дунёвий, демократик давлат

23. Теократик давлатларга кирмайдиган давлатни кўрсатинг?

Буюк Британия

Саудия Арабистони

Эрон давлати

Ватикан

24. Партия”сўзи қандай маънони англатади?

Лотинча “partio” сўзидан олинган бўлиб, “бўлинмоқ, ажрамоқ” маъносини

Инглизча “pars” сўзидан олинган бўлиб, "қисм", "бўлак" маъносини

Лотинча “partio” сўзидан олинган бўлиб, “фаоллик” маъносини маъносини

Юнонча “partena” сўзидан олинган бўлиб, “сиёсий кураш” маъносини

25. Ливаннинг 1943 йилдаги конституциясига кўра мамлакат президенти қайси дин вакили бўлиши шарт бўлган?

Христиан

Шиа мусулмон

Сунний мусулмон

Яхудий

26. Тоталитар режимдаги давлатда дин ва давлатнинг муносабати қандай?

Дин давлатдан ажратилган

Дин давлатга бўйсундирилган

Дин давлат характериға мос келади

Дин тақиқланган

27. Аксарият давлатлар конституцияларида...

Дин давлатдан ажратилган

Дин давлатдан устун қўйилган

Динга муносабат билдирилмаган

Дин тақиқланган

28. Қайси давлатда давлат бошлиғи диний муассасалар бошлиғини тайинлайди?

Буюк Британия

Германия

Италия

Эрон

29. Ливаннинг 1943 йилдаги конституциясига мувофиқ парламент раиси қайси дин вакили бўлиши шарт бўлган?

Мусулмон, шиа

Мусулмон сунний

Христиан

Яхудий

30. Ислом дини нечта давлатда давлат дини деб эълон қилинган?

30 дан ортик

8

40

23

31. Суннийлар эътиқодига кўра давлат бошлиғи Ким бўлиши керак?

Халифа

Имом

Вояга етган мусулмон

Моддий жихатдан бировга қарам бўлмаган мусулмон

32. ОАВ устидан давлат назоратининг қандай кўринишлари бор?

диний назорат

Тўғридан тўғри назорат

Эгри назорат

Махсус органлар орқали назорат

33. Ижтимоий сўровлар қандай турларга бўлинади?

Ирқий

Худудий

Минтақавий

Миллий

34. Давлат бошқарув шаклининг қандай турлари мавжуд?

Республика, монархия

Унитар, федератив

Тоталитар

Авторитар

35. Монарх сўзининг маъноси?

Ягона ҳокимият

Қирол

Наслий ҳокимият

Марказий ҳокимият

36. Монархиянинг асосий хусусияти бу ...

Мерос бўлиб утадиган ҳокимият

Қирол ҳокимиятининг чекланмаганлиги

Қиролнинг миллат тимсоли эканлиги

Қиролнинг вето ҳукукига эгалиги

37. Қайси давлатда монарх куёш худосининг угли ҳисобланган?

Японияда

Мисрда

Хитойда

Непалда

38. Мутлоқ монархиянинг моҳиятини тушунтиринг.

Монарх ҳокимиятининг чекланмаганлиги, бутун ҳокимиятнинг бир шахс кўлида бўлиши

Монархнинг ўз қарорларига жавобгар бўлмаслиги

ҳукуматнинг парламент олдидаги сиёсий жавобгарлиги

Дин давлатдан устун қўйилган

39. Мутлоқ монархияда сиёсий режим қандай бўлиши мумкин?

Авторитар, тоталитар

Ҳукукий демократик

Демократик

Унитар

40. Контрассигнатура бу...

Монарх томонидан чиқарилган ҳужжатнинг кучга кириши учун ҳукумат аъзоларининг имзоси талаб этилиши

Парламент ҳужжатларига монарх имзосининг талаб қилиниши

Қонунларнинг монарх имзосисиз кучга кириши

Қонунларнинг имзоланиш маросими

41. Дуалистик монархияда...

Қонун чиқарувчи ҳокимият монархдан мустақил бўлади

Суд ва Ижро этувчи ҳокимият бир кишида бўлади

Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият бир кишида бўлади

Қонунлар монарх имзосисиз кучга киради

42. Авторитар режим монархиянинг қайси шакллари хос?

Мутлоқ, дуалистик

Унитар

Парламентар

Федератив

43. БАА даги монархиянинг асосий хусусияти.....

Монархнинг сайлаб қўйилиши

Монарх ваколатларининг чекланганлиги

Монархнинг ҳукумат олдида жавобгарлиги

Монархнинг халқ олдида жавобгарлиги

44. Дуалистик монархияда ҳукумат кимнинг олдида жавобгар бўлади?

Монархнинг

Суднинг

Халқнинг

Парламентнинг

45. Парламентар монархиянинг асосий хусусиятини кўрсатинг?

Ҳукуматнинг парламент олдида жавобгарлиги

Парламентнинг қирол ҳокимиятидан мустақиллиги

Парламентнинг суд ҳокимиятидан мустақиллиги

Парламентнинг сайловлар натижасида шакллантирилиши

46. "Қирол айбдор бўлиши мумкин эмас" ушбу принцип қайси давлатда амал қилади?

Буюк Британия

Таиланд

Эрон

Мальта

47. Парламентар монархия типигаги бошқарувга эга бўлган давлатларни аниқланг?

Малайзия, Таиланд

Саудия Арабистони, Катар

Иордания, Испания

Ватикан, Эрон

48. Вето нима?

Қонунларнинг давлат бошлиғи розилигисиз кучга кирмаслиги

Парламентнинг ҳукуматга билдирган ишончсизлиги

Монархнинг парламентни тарқатиб юбориши

Монархнинг ҳукуматни тарқатиб юбориши

49. Республика сўзининг маъноси нима?

Умумхалқ иши

Сайлаб қўйиладиган ҳокимият

Халқ ҳокимияти

Сиёсий ҳокимият

50. Республиканинг асосий белгисини кўрсатинг

Давлат бошлиғининг сайлаб қўйилиши

Парламентнинг мавжудлиги

Парламентнинг мустақил фаолият кўрсатиши

Давлат бошлиғининг бўлмаслиги

51. Импичмент бу...

Президент ёки мансабдор шахсни жавобгарликка тортиш ёки лавозимидан четлатиш маросими

Президентнинг суд олдида жавоб бериши

Президентнинг парламентни тарқатиб юбориши

Депутатни иммунитет ҳуқуқидан махрум қилиш

52. Лотин Америкаси давлатларида давлат бошқарув шакли қандай

Президентлик республикаси

Дуалистик монархия

Монократик республика

Мутлоқ монархия

53. Парламентар республикалар берилган қаторни топинг.

Хиндистон, Эстония

Хиндистон, Буюк Британия

Эстония, Швеция

Венгрия, Козоғистон

54. Ўзида президентлик ва парламентар республика белгиларини бирлаштирган давлат бошқарув шакли.....

Ярим президентлик республикаси

Монократик республика

Ярим парламентар республика

Супер президентлик республикаси

55. Теократик республиканинг асосий белгиси нима?

Диний ва дунёвий ҳокимиятнинг бир кишида бўлиши

Диний ҳокимиятнинг дунёвий ҳокимиятдан устунлиги

Дунёвий ҳокимиятнинг диний ҳокимиятдан устунлиги

Парламентнинг сайловлар натижасида шакллантирилиши

56. Одатда импичмент ҳуқуқи қайси органга тегишли бўлади?

Парламентга

Президентга

Конституциявий судга

Судга

57. Қуйидаги қайси давлат конституциясида монарх давлат рамзи ва миллий бирлик тимсоли сифатида кўрсатилган?

Голландия, Испания

Бельгия

Италия

Украина

58. Сиёсий режимнинг асосий кўринишлари қайсилар?

Демократик ва нодемократик

Ҳуқуқий ва ғайриқонуний

Замонавий ва қолоқ

Дунёвий ва диний

59. Қуйидагиларнинг қайси бири нодемократик сиёсий режимга мисол бўла олади?

Автократик режим, деспотик режим, мустабидлик режими

Демократик

Ҳуқуқий демократик

Унитар, федератив

60. Давлат тузилиши шаклига таъсир этадиган омиллар?

Давлат ва жамият олдида турган иқтисодий вазифалар, давлатдаги сиёсий кучларнинг ўзаро нисбати, давлат ҳудудида истиқомат қилаётган аҳолининг кўп миллатлиги ва ўзаро муносабати

Шахснинг ҳуқуқий ҳолати

Аҳолининг саводхонлиги

Фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати

61. Ҳозирги кунда, давлатнинг қандай ҳудудий тузилиш шакллари мавжуд?

Унитар давлат, федерация

Демократик, ғайридемократик

Республика

Монархия

62. Сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг қандай ҳуқуқлари доирасига киради?

Сиёсий

Иқтисодий

Фуқаролик

Шахсий дахлсизлик

63. Сайлов ҳуқуқи фуқароларга қандай имкониятларни беради?

Вакиллик органларини ташкил этиш ва бундай органларга ўз вакилларини юбориш

Давлатни ташкил этиш ва уни бевосита бошқариш

Жамоат бирлашмалари, корхона, ташкилот, муассасаларни ташкил этиш

Вакиллик органлари, жамоат бирлашмаларини ташкил этиш

64. Сайлов ҳуқуқига қандай ҳуқуқлар киради?

Овоз бериш, сайланиш, номзодлар кўрсатиш, номзодларни муҳофафа қилиш, сайлов комиссиялари таркибида иштирок этиш

Референдумда қатнашиш

Митинглар ўтказиш

Намойишлар ўтказиш

65. Қуйидагилардан қайси бири сайлов ҳуқуқининг асосий тамойили ҳисобланади?

Умумий, тенг, тўғридан-тўғри

Қонунийлик

Ижтимоий адолат

Инсонпарварлик

66. Сайлов цензлари ичида энг кўп учрайдигани қайсилар?

Ёш ва фуқароликка

Мулкий ҳолат ва ёшга

Ирки ва жинсига

Тил ва фуқароликка

67. Актив сайлов ҳуқуқи - бу ...

Ҳар бир фуқаронинг давлат бошқарувида ўз вакиллариини сайлаш билан иштирок этиши

Ҳар бир фуқаронинг сайловда иштирок этиши

Ҳар бир фуқаронинг ўз номзодини кўрсатиши

Ҳар бир фуқаронинг номзодларни муҳокама қилиш, сайлов комиссиялари таркибида иштирок этиши

68. Актив сайлов ҳуқуқидан кимлар фойдалана олмайдилар?

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганлар

Қариялар ва ногиронлар

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар ва ногиронлар

Озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганлар ва қариялар

69. Россия Федерациясида Давлат Думасига депутат бўлиб сайланиш учун номзод сайлов кунигача неча ёшга тўлган бўлиши керак?

21

18

19

20

70. Абсентеизм атамасининг маъноси нима?

Сайловларда овоз беришда ва референдумда ихтиёрий қатнашмаслик

Ҳар бир фуқаронинг давлатни бошқаришда ўз вакиллариини сайлаш билан иштирок этиши

Ҳар бир фуқаронинг давлатни бошқаришда ўз номзодларини қўйиши

Парламент томонидан президентга ишончсизлик билдирилиши

71. Сайлов тизими неча гуруҳга бўлинади?

3 та: мажоритар, аралаш ва пропорционал

2 та: мажоритар ва пропорционал

1 та: аралаш

3 та: мажоритар, аралаш ва тоталитар

72. Мажоритар сўзи қайси тилдан олинган ва унинг маъноси нима?

Француз тилидан, «кўпчилик»

Инглиз тилидан, «кўпчилик»

Лотин тилидан, «афзал кўриш»

Инглиз тилидан, «афзал кўриш»

73. Давлат бошлиғи монарх бўлган мамлакатларда монархнинг лавозим эгаллашида қандай усуллар мавжуд?

Тахтнинг мерос бўлиб қолиши, монархнинг ўз оиласи томонидан тайинланиши ёки сайланиши, вақти-вақти билан сайланиб туриши

Фуқаролар томонидан сайланиши

Парламент томонидан тайинланиши

Референдум йўли билан тайинланиши

74. Давлат бошлиғи президент бўлган мамлакатларда президентнинг лавозим эгаллашида қандай усуллар мавжуд?

Халқ фуқаролар томонидан бевосита сайланиши, парламент томонидан сайланиши, тегишли сайловчилар жамоаси томонидан сайланиши

Ҳокимиятнинг мерос бўлиб қолиши

Президентнинг ўз оиласи томонидан тайинланиши ёки сайланиши

Референдум йўли билан тайинланиши

75. Давлат бошлиғи монарх бўлган давлатларда тахт ворислигининг қандай усуллари мавжуд?

Сали, Кастилия, габсбург

Қон ҳуқуқи

Оила ҳуқуқи

Тупроқ ҳуқуқи

76. Давлат бошлиғи монарх бўлган миллатларда тахт ворислигининг усулида тахт ва тож фақат эркакларга қолдирилади?

Сали

Кастилия

Габсбург

Пётр

77. Давлат бошлиғи монарх бўлган мамлакатларда тахт ворислигининг сали меросхўрлигига қайси давлатларда амал қилинади?

Таиланд, Уммон, Япония

Норвегия, Швеция

Испания, Буюк Британия

Барча жавоблар тўғри

78. Агар монарх вояга етмаган бўлса, бундай ҳолатда монархияда регентлик жорий этилади. Ушбу тушунчанинг маъноси нима?

Мамлакатни вақтинчалик бошқариб туриш

Монархияни вақтинчалик бошқа шаклга ўзгартириш

Монархия бошқарувидан бутунлай воз кечиш

сиёсий режимнинг ўзгариши

79. Парламент сўзи қандай маъно англатади?

Французча «Parler», «гапирмоқ», «сўзламоқ» маъноларини

Лотинча «Parler», «гапирмоқ», «сўзламоқ» маъноларини

Юнонча «Parler», «гапирмоқ», «сўзламоқ» маъноларини

Инглизча «Parler», «гапирмоқ», «сўзламоқ» маъноларини

80. Қуйидаги ҳуқуқшунослардан қайси бири мутлақ ваколатли парламент ғоясини ёқлаб чиқади?

П. Бромхед

М.Вебер

Ф.Лассал

М.Дюверже

81. Қайси давлат парламенти Генерал Кортеслар деб номланади?

Испания

Швеция

Венгрия

Германия

82. Европанинг қайси мамлакатларида парламент бевосита сайловлар орқали шакллантирилади?

Швейцария, Италия, Польша

Испания, , Венгрия, Швеция

Франция, Нидерландия, Словения

Германия, Россия, Швеция

83. Ҳукумат таркибига бошчилик қилувчи бош вазир Хитойда қандай ном билан аталади?

Давлат Кенгашининг раиси

Раис вазир

Давлат вазири

Вазирлар Маҳкамаси раиси

84. Премьер министр лавозими қачон ва қаерда вужудга келган?

XVIII асрда Англияда

XVII асрда Францияда

XVIII асрда Германияда

XVII асрда Германияда

85. Конституциявий ҳуқуқнинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатган ҳужжатларни аниқланг.

Эркинликнинг буюк Хартияси. (1215 йил)

Темур тузуклари.

Чингизхон юсунлари.

Гаи қонуни

86. АҚШ Конституцияси қачон қабул қилинган?

1787 йилда.

1887 йилда.

1778 йилда.

2000 йилда.

87 Конституцияси сўзи қайси маънони англатади?

«тузиш»”ўрнатаман”

«тузук” «тузилиш”

«низом”

*барча жавоблар тўғри.

88. Биринчи гуруҳ конституцияларини кўрсатинг.

1831 йилги Белгия Конституцияси.

1993 йилги Россия Федерацияси Конституцияси.

Эрон Конституцияси.

ГФР Конституцияси.

89. Австрия давлат бошқарувига кўра....

Парламентар республика.

Президентлик республикаси.

Монархия.

Конституцион монархия.

90. Унитар давлатни аниқланг.

Озарбайжон.

Россия.

Канада.

Германия.

91. Федератив давлатни аниқланг

Мексика

Эстония

Латвия

Литва

92. Ҳиндистон давлат тузилишига кўра

Федератив давлат

Унитар давлат

Уния

Автономия

93. Биринчи гуруҳ конституцияларини кўрсатинг.

1874 йилги Швейцария Конституцияси.

1993 йилги Россия Федерацияси Конституцияси.

Люксембург Конституцияси.

Исландия Конституцияси.

94. Ғарбий Германия Конституциясига неча марта ўзгартиришлар киритилган?

35 марта.

20 марта.

25 марта

17 марта.

95. Конституциявий ҳуқуқнинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатган ҳужжатларни аниқланг.

“Хабеас корпус акт. (1379 йил)

Юстиниан қонунлари.

Чингизхон юсунлари.

Гаи қонуни

96. Ҳиндистон Конституциясининг қанча қисми ўзгартирилган?

3дан икки қисми.

3дан бир қисми

5дан икки қисми

5дан бир қисми

97. Халқ Демократик Республикаси кўринишдаги давлатни аниқланг?

Жазоир.

Тожикистон.

Саудия.

Хитой

98. XIX асрнинг биринчи ярми – Конституциявий ҳуқуқ фанининг юридик – социологик йўналиш даври яъни,

Конституциявий ҳуқуқ фани тараққиётининг иккинчи босқичи.

Конституциявий ҳуқуқ фани тараққиётининг учинчи босқичи.

Конституциявий ҳуқуқ фани тараққиётининг биринчи босқичи.

Конституциявий ҳуқуқ фани тараққиётининг тўртинчи босқичи.

99. Европада биринчи Конституция қабул қилган давлатни кўрсатинг?

Польша

Франция

Германия

Швейцария.

100. Дастлаб ёзма конституцияни вужудга келтириш ғояси пайдо бўлган давлат.

Англия.

Франция

АҚШ

Германия.

101 Хорижий мамлакатларнинг давлат (конституциявий) ҳуқуқи фанининг манбаларини аниқланг?.

Конституциялар.

Конституциявий қонунлар.

Қонунлар.

Барча жавоблар тўғри.

Тузувчи :

Ганиева Г.Ю

Кафедра мудири

проф. Жалилов Ш.И.